

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 6 январь, № 3 (7783) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


**Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак.**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан.*

# ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЗАРУРАТИ




**Абдураҳим ЭРКАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**


*Бугун янгиланаётган Ўзбекистонда ижтимоий фикр анча фаоллашиб, учинчи Ренессанс асосларини яратиш бўйича жамиятнинг барча қатламларида мулоҳазалар, баҳслар юритилмоқда. Давлатимиз раҳбари бу улуғвор ғояни ўртага ташлаб, миллий юксалишнинг пировард олий стратегик мақсадини белгилаб берди. Шу боис ушбу олий мақсад ҳаққоний равишда миллий ғоянинг янги ифодаси сифатида қабул қилинмоқда. Президентимиз аввалги икки Ренессанс нега бардавом бўлмагани, инқирозга учрагани сабабларини чуқур таҳлил қилиш ва тарихдан зарур сабоқлар чиқариш вазифасини ҳам қўйди.*

*Фикрларимиз шулар ҳақида.*

## Нуқтаи назар

### Аввалги Ренессанслар инқирози сабаблари

***Биринчидан,*** ҳар иккала Ренессанс даврида ҳам мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш воситалари ва технологиялари жамиятнинг маданий ва илмий тараққиёт даражасига мос равишда ривожланмай, турғунлигича қолди: ўша қўш ва омоч, ўроқ ва чалғи, кетмон ва бел, оддий косиблик дастгоҳлари, урчуқ ва чарх, чиғир ва тегирмон. Ишлаб чиқариш оила доирасидан чиқа олмади. Натижада ишлаб чиқариш концентрацияси юз бермади.

➔ 4



## ДУНЁ НИГОҲИ

«Халқ сўзи» учун махсус

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МУРОЖААТНОМАДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ ВА ЯНГИ — 2021 ЙИЛНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидланган мамлакат ҳаётининг барча жабҳасини янада ислоҳ этиш бўйича ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан фаол муҳокама қилинмоқда.*



**Петер Санто,**
**Венгрия элчиси:**

— Мен бундай муҳим тадбирда қатнашиб, давлат раҳбарининг 2020 йил якунлари ва янги йилги режалар баён этилган нутқини тинглаганимдан жуда хурсандман. Мурожаатномада мамлакат ҳаётининг барча жабҳаси батафсил таҳлил қилинди. Бу мамлакатда саноат тармоқларининг ривожланиши, умуман, давлат тараққиёти қатъий назоратда эканини кўрсатди. Шунингдек, жорий иқтисодий вазиятнинг ўнгланиши ва илғор халқаро тажрибадан фойдаланиш бўйича изчил ва жуда жиддий ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти глобал пандемия билан боғлиқ вазиятга алоҳида тўхталди. Коронавирус мамлакат ҳаётига таъсир кўрсатмасдан қолмади. Кўпгина соҳалар маълум йўқотишларга дуч келди ва шунга қарамай, республика ушбу қийин даврдан тобланган ҳолда ўтмоқда.

Мамлакатнинг пандемиядан сўнгги иқтисодий тикланиши ҳақида ҳам сўз юритилди, ушбу йўналишда кўплаб аниқ ва амалий таклифлар эълон қилинди. Пандемия шароитида мамлакатда тадбиркорлар фаолияти, Ўзбекистон фаровонлиги учун барча зарур шарт-шароит яратилди. Шунингдек, халқаро транспортни қўллаб-қувватлаш, гуманитар юклар оқимини ташкил этишга жиддий эътибор қаратилди. Таъкидлаш керакки, пандемия инқирози даврида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига намуна бўла олди.

Икки томонлама алоқаларимиз тўғрисида сўз юритар эканман, Европада глобал пандемия жиддий тус олган март-апрель ойларида Ўзбекистон мамлакатимизни қўллаб-қувватлаганини таъкидламоқчиман. Ўзбекистондан Венгрияга икки марта гуманитар юк юборилди. Биз ушбу муносабатни жуда қадрлаймиз ва бунинг учун ғоят миннатдормиз. Умид қиламизки, бундай синовли вазиятларда бир-биримизни қўллаб-қувватлашда давом этамиз.

Президент Мурожаатномасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг очиқ эшиклар сиёсати давом эттирилиши эътирофга молик. Шунингдек, халқаро ташкилотлар билан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишда ҳамкорлик қилиш, жумладан, қўшни мамлакат иқтисодиётини тиклашни қўллаб-қувватлаш, Афғонистонни халқаро транспорт коридорлари ва умуман, халқаро иқтисодиётга қўшиш масалаларида ҳамкорликка эътибор кучаяётгани ҳам диққатга сазовор.

Венгрия элчиси сифатида Ўзбекистон раҳбарининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорликка катта эътибор қаратаётганини эшитиб, жуда мамнун бўлдим. Кейинги йил Ўзбекистон Европа Иттифоқи билан GSP+ шартлари асосида савдо қилиши мумкин. Бу жуда муҳим натижа. Ўйлайманки, бу Европа давлатлари билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажмининг ўсишига сезиларли таъсир қилади, Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи давлатларига экспорт ҳажми сезиларли даражада ошади.

➔ 2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлиси 2021 йил 6 январь куни — бугун соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилади.

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

# АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ БОШ РЕЖАСИ ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИДА ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОК ЭТАДИ

*Кейинги йилларда юртимизда тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг замонавий бозор механизмларини жорий этиш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда инвестиция ва илғор технологияларни жалб этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.*

Аммо қурилиш соҳасидаги ишлар ҳолати ўрганилганда, бу борада муайян камчиликлар борлиги аён бўлди. Айниқса, соҳада соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш йўналишида муаммолар кўзга ташланмоқда. Бу эса қурилиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароит яратиш, тармоқ кадрларини профессионал тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Сенатининг ўн биринчи ялпи мажлисида муҳокама этилиши режалаштирилаётган "Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун шу каби тизимли муаммоларни бартараф этиш мақсадида ишлаб чиқилди.

Унда "аҳоли пункти", "шаҳар", "шаҳарча" ва "қишлоқ (овул)" каби объектлар турлари, шунингдек, "ўзбошимчалик билан қурилиш қилиш", "урбанизация" ва бошқа ибораларга тушунчалар берилмоқда. Айни чоғда шаҳарсозлик фаолияти асосий принциплари алоҳида моддада кўрсатилган бўлиб, бу аҳоли пунктлари барқарор ривожланиши ва қурилишга рухсат бериш жараёни ошкоралигини таъминлашга хизмат қилади.

Қолаверса, лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш юзасидан янги моддалар киритилиб, экспертлар ҳуқуқи ва жавобгарлиги, жумладан, ҳар бир эксперт берган хулоса бўйича қонун олдида жавоб бериши белгиланяпти.

Бу қонуннинг янгиликлари ҳақида сўз кетганда, аҳоли пункти бош режаси лойиҳалари муҳокамасида жамоатчилик иштирокини таъминлаш, қурилиш жараёнига ваколатга эга бўлмаган шахсларнинг аралашувига чек қўйиш, шаҳар ва туманлар марказларида қурилиши тугалланган мавзелар, кўп қаватли туражой микрорайонлари ҳудудларида бош режада назарда тутилмаган ишлаб чиқариш, савдо, умумий овқатланиш, сервис хизмати кўрсатиш ва бозор каби объектларни қуриш тақиқланаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

**Янги таҳрирдаги кодекс ҳаётга татбиқ этилиши натижасида қуйидагиларга эришиш кутилмоқда:**

- бюрократик тўсиқлар бартараф этилиб, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, шаҳар чегарасини аниқлаш учун ҳуқуқий асос яратилади;
- лойиҳалаштириш, қуриш ва реконструкция ишлари юртимиз ҳамда хориждаги замонавий тажрибалар асосида олиб борилади;
- шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг ишлаб чиқилиши тартиби, муддатлари ва уларнинг йўналишлари белгиланади ва қурилишни давлат томонидан тартибга солиш механизми йўлга қўйилади;
- соҳага жамоатчилик иштироки таъминланиши ҳисобига атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳоли саломатлигини асрашга эришилади;
- аҳоли пунктлари архитектура қиёфасини яхшилаш ва аҳолининг турмуш даражасини кўтариш имконияти пайдо бўлади;
- соҳада шаффофлик таъминланади ва рақобат муҳити яхшиланиб, инвестициявий жозибадорлик ошади.


**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**


# МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ АНЪАНАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

*Аҳоли, хусусан, ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, уларни миллий ва умумбашарий маданиятнинг энг яхши намуналаридан баҳраманд этиш, шу асосда маънавий етук, баркамол шахсларни тарбиялаш, замонавий маданият ва санъат муассасалари барпо этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ҳамда бошқа санъат турларини ривожлантириш, ижодий жамоаларга ҳар томонлама ёрдамлашиш, ёш истеъдод эгалари қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш масалалари давлатимизнинг устувор вазифаларидан бўлиб келмоқда.*

➔ 2

## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# БИЗ БУЮК САРКАРДАЛАР АВЛОДИМИЗ

*"Мен Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби буюк саркардалар авлодиман!"*

*Мудофаа вазирлиги тоифаланган объектларни қўриқлаш қўшинлари қўмондонлигининг Нуробод қўрғонида жойлашган ҳарбий қисмида ўтказилган тадбир ана шундай номланди.*

Ватанпарварликка йўғрилган тадбирда Ангрен шаҳрида жойлашган 2, 3 ва 11-умумтаълим мактаблари ўқувчилари иштирок этди. Ёшлар ҳарбий қисмда Ватан ҳимоячилари учун яратилган шароит, муҳит ва тартиб-таомиллар билан яқиндан танишди. Шундан сўнг ёшлар билан бугунги кунда Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида суҳбат бўлиб ўтди. Мард ва жасур ўғлонларнинг ўктам қадди, юзида балқиб турган ғайрат-шижоат мактаб ўқувчиларининг муддатли ҳарбий хизматга қизиқишини оширди.

Қўмондонликнинг Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги ҳарбий қисми тарғибот гуруҳи эса тумандаги "Қоракўл қувончи" мактабгача таълим ташкилотида бўлиб, болажонлар билан учрашди. Кичкинтойлар билан она Ватан, ватанпарварлик туйғуси, унинг мазмун-моҳияти хусусида мулоқот қурилиб, шу мазмундаги китоблар туҳфа этилди.

**«Халқ сўзи».**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрь куни Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида олиб борилаётган очиқ, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатга олиб ҳамда узоқ муддатли стратегик мақсадларимиздан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси такомиллаштирилишига алоҳида тўхталиб ўтди. Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлган Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.*

Шунингдек, асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ҳамда ўзаро манфаатли алоқалар янада кенгайтирилиши, бунда юртимизнинг чет эллардаги элчилари мазкур давлатлар билан янги, янада самарали иш тизимини жорий этишлари зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари билан учрашув ўтказилди. Дипломатлар билан бўлиб ўтган мулоқотда мамлакатимиз миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш ва амалга оширишда парламент дипломатиясининг имкониятларига эътибор қаратилди.

Маълумки, бугун Ўзбекистонда миллий манфаатларга мос келадиган, яқин ва узоқ хорижий давлатлар билан алоқаларни кенгайтиришга қаратилган фаол, очиқ, прагматик ва чуқур ўйланган ташқи сиёсий йўналишни ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, халқаро майдонда алоқаларни кенгайтиришга қаратилган янги ёндашувлар амалиётга жорий этиляпти. Ташқи сиёсий стратегия охирги тўрт йилда тубдан ўзгарди. Бунда, албатта, айни пайтда устувор аҳамият қаратилаётган парламент дипломатияси ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

➔ 2

## Изланиш

# ҚИРҚ ЙИЛ ТАН ОЛИНМАГАН НАВ



## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚАШҚАДАРЁГА ТАШРИФИДАН СЎНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР ҚАТОРИГА КИРИТИЛДИ

Қашқадарёлик Январ Иноятовни кўпчилик узоқ йиллар раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатиш баробарида, элу юрт ўртасида катта обрў ва эътиборга сазовор бўлган, бугунги кунда ҳам тиниб-тинчимайдиган, халқ ташвишида елиб-югуриб юрадиган инсон сифатида яхши танийди.

Аммо бу одамнинг машҳур агроном, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, пахтанинг истиқболли нави муаллифи эканини ҳақида ҳамма ҳам билавермайди. Бу ҳақда отахоннинг ўзи ҳам мақтанишни истамайди. Бундан қирқ йил аввал яратган "Шаҳрисабз-1" ғўза нави эртапишар, сувсизликка чидамли ва серҳосил бўлса-да, истиқболли навлар рўйхатига киритилмаган эди. Кўплаб кўзга кўринган олимлар эътироф этиб, янги навни кенг майдонларда экиш муҳимлиги ҳақида айтишса-да, пахтачилик соҳасидаги илмий кенгаш бу тавсияларни қабул қилмаган ва тасдиғидан ўтмаган.

— Бу навнинг яралиш тарихи қизиқ бўлган, — дейди Январ Иноятов. — Бундан қирқ йиллар илгари вилоят ижроия қўмитаси раиси ўринбосари — вилоят қишлоқ хўжалиги мажмуаси раиси бўлиб ишлаган кезларимда, Шаҳрисабз туманидаги пахта далаларидан бирида 5 та кўсаги қийғос очилган бир туп ғўзани кўриб қолдим. Ҳали июль ойи, бошқа ғўзалар кўсаги энди тўлишаётган пайтда бу ғўза нега эрта очилганига ҳайрон бўлдим.

➔ 3

# ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МУРОЖААТНОМАДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИНИ САРҲИСОБ ҚИЛДИ ВА ЯНГИ — 2021 ЙИЛНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ

1

**Софи Иббoтсон,**
**Буюк Британиядаги Ўзбекистон сайёҳлик бренди элчиси, “Maximum Exposure” консалтинг фирмасининг асосчиси ва директори:**



— Президент Шавкат Мирзиёев ўз Мурожаатномасида бутун дунё, жумладан, Ўзбекистон 2020 йили дуч келган қийинчиликларни батафсил таърифлаб берди, шунингдек, мамлакатнинг келгуси йилда кутилаётган ривожланиш истиқболларига бўлган умидлари ва қарашларини баён қилди.

Бир йил муқаддам ҳеч ким бутун дунё соғлиқни сақлаш ва иқтисодиёт соҳаларида бугунгидек танг халқаро аҳволга тушиб қолишини тасаввур ҳам қилмас эди. Аммо Ўзбекистон бу қийинчиликларни ўзининг очиқлиги ҳамда нафақат ўз фуқаролари, балки кўмакка муҳтож бўлган қўшниларига ҳам ёрдам беришга тайёрлиги орқали муваффақиятли енгиб ўтгани билан мени ҳайратда солди.

Туризм соҳаси мутахассиси сифатида Президент Мурожаатномасидаги қатор муҳим фикрлар эътиборимни тортди. Аввало, бу, Ўзбекистоннинг маданий меросини сақлаши ва ҳимоя қилишидир. Сўнгги йилларда тарихий бинолар яроқсиз ҳолатга келган ёки бузиб ташланган қатор ҳолатлар кузатилди. Президент юқори минбардан ушбу муаммонинг мавжудлигини айтиб, маданий меросни сақлашга мувофиқлаштирилган ва барқарор муносабат зарурлигини таъкидлади. Бу нафақат мамлакатнинг туризм соҳаси учун, балки ўзбек халқининг ўзига хослиги, унинг тарихи ва маданиятини сақлаб қолиш учун ҳам муҳимдир. Шу сабабли келажакда маданий мерос объектларини бошқариш ва муҳофаза қилиш бўйича янада мувофиқлаштирилган ёндашув қабул қилинишидан жуда мамнунмиз.

Маданият ва санъат билан боғлиқ ташкилотларни молиялаштиришга қўшимча маблағлар ажратилиши ҳам яхши янгилик. Ушбу маблағ нафақат музейларга, балки Ўзбекистоннинг жонли тарихи ва анъаналарини сақлайдиган, миллий маданиятни ривожланишнинг кейинги босқичига ўтказадиган театрлар ва бошқа санъат турларига ҳам ажратилаётгани қувонарлидир.

Барчамиз 2021 йил ҳам осон бўлмаслигини ҳозирдан англаб турибмиз. Аммо аминманки, Ўзбекистон томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар мамлакатга иқтисодий тикланиш босқичига кўтарилиб, коронавирус пандемияси билан самарали курашишга имкон беради. Ўзбекистоннинг туризмни тиклаш учун шароит яратиш, ушбу соҳани янада кучли, экологик барқарор, иқтисодий ва ижтимоий мақбул ҳолга келтиришга интилаётганини кўриш ҳам жуда ёқимли. Мен Ўзбекистонга яна ташриф буюрадиган лаҳзани орзиқиб кутаяпман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Янги йил билан самимий табриклайман!

**Барбара Балтукин,**
**Франциянинг “World Communication” компанияси бош директори:**



— Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон парламенти ва халқига Мурожаатнома йўллаб, йил якунларини сарҳисоб қилди ва янги 2021 йилнинг мамлакат учун стратегик йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу нутқ жуда кўплаб соҳаларни қамраб олди. Хусусан, маданият соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, эътиборимни тортган жиҳат Президент Ўзбекистоннинг бой тарихий-меъморчилик дурдоналари ва маданий меросини асраб-авайлашга чақирди. Биз биламизки, Ўзбекистоннинг 7 мингдан зиёдни ташкил этадиган тарихий обидаларини келажак авлодга етказиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Таъкидланганидек, бу иш нафақат Маданият вазирлиги, балки маҳаллий ҳокимликлар, маҳалла, оммавий ахборот воситалари ва кенг жамоатчиликнинг ҳам диққат марказида бўлиши керак.

Шавкат Мирзиёев 2021 йилга “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном бериши мамлакатдаги йигит-қизлар, қолаверса, ёш авлодга кучли мотивация беради, деб ҳисоблайман. Ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусларини рўёбга чиқариш, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқа соҳаларда кўплаб дастурлар амалга оширилади, деган умиддаман. Бу, шубҳасиз, ҳозирги қийин даврда ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишига катта туртки беради.

Ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббусларга ҳам алоҳида тўхталмоқчиман. Чунки жаҳон ҳамжамиятида бу Ўзбекистоннинг ўрнини белгилаб беради. Келгуси йилда Тошкентда Жанубий Осиё билан муносабатларга доир юқори даражадаги халқаро конференция, шунингдек, Хива шаҳрида ЮНЕСКО билан ҳамкорликда “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро анжумани ўтказилишини юқори баҳолайман.

Бундан ташқари, Ўзбекистоннинг асосий хорижий ҳамкорлари орасида бошқа давлатлар билан бирга Франция билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга бўлган ҳаракатни мамнуният билан қабул қилдик.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш, сўз ва диний эркинликлар халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ билан биргаликда мустаҳкамлаб борилаётгани кўп томонлама ҳамкорликнинг яққол мисолидир.

30 июль санасининг Ўзбекистонда “Халқлар дўстлиги куни” деб белгиланиши миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган таҳсинга лойиқ ташаббусдир.

Сўзимнинг якунида, Ўзбекистоннинг ҳаммамиз учун долзарб бўлган Орол денгизи борасидаги ташаббуслари ва бу йўлдаги ислоҳотлар янада қатъият билан давом эттирилаётгани барчамизни мамнун этганини таъкидламоқчиман.

**«Дунё» АА.**

# КОНСТРУКТИВ МУЛОҚОТ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

1

Таъкидлаш лозим, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан хорижий мамлакатлардаги элчиларимизнинг фаолиятига янги йўналишлар кириб келди. Бугун улар нафақат сиёсий йўналиш, балки савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни, илғор технологияларни юртимизга олиб келиш, маҳаллий экспортни кенгайтириш бўйича ҳам фаолият юритмоқда.

Маълумки, Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги 40 га яқин дипломатик ваколатхонаси раҳбарлари Президентимиз топшириғига биноан ҳудудларда бўлиб, республика салоҳияти ва имкониятлари билан жойларнинг ўзида бевосита танишмоқда, халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, экспорт ва инвестициялар ҳажмини ошириш, илғор технологиялар ҳамда юртимизга ташриф буюраётган сайёҳлар оқимини қўпайтиришга кўмаклашиш истиқболларини ўрганмоқда.

Қонунчилик палатасида кечган мулоқот давомида қайд этилганидек, парламентнинг халқаро ташкилотлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилмоқда. Қонунчилик палатасининг халқаро йўналишдаги иши натижадорлиги ошди, халқаро алоқалари географияси кенгайди. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари туфайли миллий парламентимиз ўтган қисқа давр мобайнида кўплаб нуфузли халқаро парламентлараро ташкилотларнинг фаол иштирокчисига айланди. Сўнгги тўрт йил давомида мамлакатимизнинг Парламентлараро Иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Парламент ассамблеясига аъзолиги қайта тикланди, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламентлараро ассамблеясига илк бор аъзо бўлди.

Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг 2020 йил 25 сентябрдаги Қўшма қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси тасдиқланди. Унда Олий Мажлиснинг халқаро ҳамкорлик ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг стратегик мақсад ва вазифалари, устувор йўналишлари, принциплари ҳамда механизмлари белгиланди.

Хорижий давлатлар билан икки томонлама парламентлараро ҳамкорлик гуруҳларини ташкил этиш кўлами кенгайиб, бугун уларнинг сони 48 тага етди. Пандемия шароитида ҳам парламентлараро ҳамкорлик алоқалари сусайишига йўл қўйилмади. Франция, АҚШ, Малайзия, Чехия, Канада, Туркия, Италия, Тожикистон, Озарбайжон, Хитой, Исроил, Эрон, Туркманистон ва бошқа давлатлар билан тузилган Олий Мажлиснинг дўстлик гуруҳлари видеоконференцалоқа тарзида мулоқотлар ўтказди. Онлайн тарзда 34 та халқаро тадбир ташкил этилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳлари фаолияти самарадорлигини таъминлашда ҳам айнан элчиларимизнинг хизмати катта бўлаётгани эътироф этилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон дипломатлари хорижий мамлакатлар билан турли соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришда миллий парламентаризм имконият ва салоҳиятидан кенг фойдаланиш, парламентлараро ташрифлар чоғида нафақат қонун ижодкорлиги балки, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар йўналишлардаги муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Амалий ва конструктив руҳда кечган мулоқот халқаро майдондаги ҳамкорлик Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, пировард натижада эса халқимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши борасида депутатлар ва элчилар якдил фикрда эканликларини кўрсатди.

Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари Қонунчилик палатаси фаолияти, депутатларга яратилган шароитлар ҳамда парламент қошида ташкил этилган музей билан ҳам танишдилар.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

## Акс садо

# ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИ МЕХАНИЗМЛАРИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат ва жамият тараққиётининг энг муҳим йўналиш ва вазифаларига эътибор қаратилди. Бунда анча йиллардан буён ечимини кутаётган масалалар ўз ифодасини топгани эътиборга молик.*

Айниқса, давлат бошқаруви идоралари фаолияти соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар бугунги куннинг энг долзарб ва муҳим йўналишлари ҳисобланади. Хусусан, вазирлик ва идоралар фаолиятида кўпгина ҳолларда қарор қабул қилиш ҳаддан ташқари марказлашгани, вазифаларнинг аниқ ва тўлиқ белгиланмагани сабабли фаолиятларида бир-бирини такрорлаш ҳолатлари мавжудлиги кузатилди. Бу борадаги масалаларнинг самарали ечимини ташкил этиш мақсадида давлат ҳокимияти бошқаруви органлари ходимларининг вазифа ва функцияларининг аниқ чегарасини белгилаш, ўрта бўғин раҳбарлари ташаббускорлигини ошириш зарурати юзага келди. Рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан ходимлар сонини ва иш жараёнларини оптималлаштириш чоралари кўрилиши вазифаси юкланмоқда. Бу билан давлат бошқарув органларининг жойлардаги бўғин раҳбарлари томонидан аҳоли кутаётган ҳаётий муаммоларни ҳал қилиш имконияти кенгаяди, ташаббускорлиги ортади.

Бошқарув идораларининг ҳудудий масалаларни ҳал этишдаги масъулият ва жавобгарлиги кучайтирилиши ислоҳотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бунда йил бошидан ҳар бир вазирлик ўз ишини туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштиради ҳамда ташкил этади. Вазирлар ва уларнинг ўринбосарлари фаолиятига жойларда амалда қандай ўзгариш бўлганига қараб баҳо берилиши мезони белгиланаётир. Бунда депутат ва сенаторларнинг ўзлари сайланган ҳудуддаги муаммолар, тегишли вазирлик ва ҳокимликлар томонидан қай даражада ҳал этилаётганини доимий ўрганиб, назорат қилиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳудудлардаги ўрганиш жараёнида, ҳақиқатан ҳам, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маошини ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилаш зарурати мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Сабаби аҳоли сонига нисбатан ходимлар сони ва иш ҳақи тўлаш муносиб ташкил этилсагина фаолият самарадорлигига эришилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, маҳаллий ҳокимлик ва Кенгашлар бундан 27 йил аввал, яъни ҳокимлик институти жорий этилган дастлабки пайтда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни асосида ишламоқда. Бу ҳужжат бугунги ислоҳотларимиз талабларига мутлақо жавоб бермаслигини ҳисобга олиб, уни тубдан такомиллаштиришга оид янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди. Бунда маҳаллий ижро органлари, хусусан, ҳокимлар, уларнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг ваколат чегараси, вазифа ва функциялари аниқ белгиланиши назарда тутилади. Шу билан бирга, бугунги демократик ислоҳотлар талабларидан келиб чиққан ҳолда, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини тартибга солишга қаратилган қонунчилик такомиллаштирилади.

Хулоса ўрнида айтганда, жойларда ҳам вакиллик, ҳам ижро органлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларнинг вазифа ва функцияларини аниқлаштириш, баҳолаш мезонларининг одамлар турмуш тарзи ва розилиги билан баҳолаш механизмларининг киритилиши ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# МИЛЛИЙ САНЪАТИМИЗ АНЪАНАЛАРИНИ САҚЛАШ ВА УЛАРНИНГ ЖАҲОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛИШИ УЧУН ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

1

Сенатнинг ўн биринчи ялпи мажлисида кўрилиши режалаштирилаётган “Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида”ги қонун ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бу қонунни ишлаб чиқишда бир қатор хорижий мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилди. Мазкур ҳужжат маданий фаолият соҳасида давлат сиёсати ва унинг асосий устувор йўналишларини белгилаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш, соҳадаги барча фаолият турлари ривожланиши учун ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, мамлакатнинг ягона маданият майдонига айланишини таъминлаш, ҳуқуқий муносабат иштирокчилари ва улар ваколатини аниқлаш, истеъдод эгалари ва маданият муассасалари ҳуқуқий мақомини белгилаш, маданият ташкилотларининг давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш, тизимнинг рақобатбардошлигини ошириш ва бошқа мақсадларни мужассам этган.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати шуки, унда халқ ижодиётини ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш, янги истеъдодларни кашф қилиш, оммавий байрамлар, томошалар ва халқ сайилларини ташкил этиш масалаларида тизимли фаолият юритиш белгилаб қўйилган.

**Қонун билан қуйидаги натижаларга эришиш кўзда тутилмоқда:**

- маданий фаолиятга доир норматив-ҳуқуқий база, институционал тизим ва маданият ташкилотлари фаолияти такомиллаштирилади;
- ёш авлод онгида анъанавий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳисси шакллантирилади, этник маданий анъаналар асраб-авайланади, уларга асосланган халқ ижодиёти ривожлантирилади;
- аҳоли, айниқса, ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратилади;
- маданият ва санъатни янада кенг тадқиқ ва тарғиб этиш жараёнида инновацион ғоя ва технологиялардан самарали фойдаланилади;
- узвий таълим тизими яратилади ҳамда соҳада фан ва тадқиқот ишлари янада юқори поғонага кўтарилади;
- хизмат кўрсатиш сифати оширилади ва яратилаётган асарларнинг бадиий савияси юксалади;
- халқаро ташкилот ва хорижий давлатлар билан ҳамкорлик кенгаяди;
- миллий санъат анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, уларнинг жаҳон саҳнасида эътироф этилиши учун шароит яратилади.

Умуман, мазкур қонун билан маданий фаолият йўналишидаги муносабатлар тартибга солинади ва соҳани бугунги кун талаби даражасида ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Фарахат САДУЛЛАЕВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# РАҚОБАТДОШЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

*Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида глобал пандемия ва унинг асоратлари сабабли юзага келган мураккаб вазиятда 2020 йилда мамлакатимизда олиб борилган ишларга тўхталди, эришилган натижалар ва келажакдаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.*

Ўтган йилда пандемия шароитидаги мураккаб вазиятга қарамасдан мамлакатимизда олиб борилган ислоҳотлар натижасида ишлаб чиқариш суръати ўсиши таъминланиб, кўплаб йирик ишлаб чиқариш объектлари янгидан ишга туширилиши жаҳоннинг саноқли давлатлари қаторида ялпи ички маҳсулот ўсиши таъминланишига хизмат қилгани айтиб ўтилди.

2021 йилда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар дастури бирма-бир баён этилди. Хусусан, иқтисодиёт соҳасида келгуси йилда ҳам ишлаб чиқариш корхоналари, тадбиркорлик субъектлари давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши, улар фаолияти текширувлари юзасидан тўрт йил олдин эълон қилинган мораторий яна бир йилга узайтирилиши таъкидланди.

Глобал инқироз шароитида иқтисодий ва сиёсий барқарорликни таъминлаш, жойлардаги мавжуд муаммоларни манзилли ҳал этиш, кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, айниқса, чекка ҳудудлардаги ёшларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ва қишлоқларда тадбиркорликни кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида Жаҳон банки билан биргаликда қишлоқларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурини кенгайтириш учун қўшимча 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланиши ушбу ҳудудларда энг долзарб муаммоларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Айниқса, жорий йилда экспортга маҳсулот чиқарувчи корхоналар учун бугунги кунда энг долзарб бўлган тайёр маҳсулотлар сотиш, экспортга чиқариш юзасидан чет элларда савдо уйлари ва дўконлар очиш ҳамда реклама ишларини амалга ошириш юзасидан қилинган харажатларнинг эллик фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилиши мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ортишига хизмат қилади, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, чет эл инвестицияси ҳисобига кўплаб йирик ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилиши белгиланаётгани, аввало, янги иш ўринлари яратилиши ҳамда аҳоли даромади ошишига хизмат қилади.

Бу борада шу йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестицияларни ўзлаштириш натижасида 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши белгиланаётгани янада аҳамиятлидир.

Айниқса, Тошкентдаги Яшнобод технопаркида яна 11 та замонавий электротехника корхонаси очилиб, у ердаги ишловчилар сони 11 мингтагага етказилиши, жами қуввати 760 мегаватт бўлган янги электр станциялари қурилиши, Қашқадарё вилоятида умумий қиймати 3 миллиард 600 миллион доллар бўлган, йилига 1,5 миллион тонна керосин, дизель ёқилғиси ва суюлтирилган газ ишлаб чиқарадиган мажмуа тўлиқ фойдаланишга топширилиши ҳисобидан, бугунги кунда катта маблағлар эвазига импорт қилинаётган ёқилғи маҳсулотлари ўрни қопланиши қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ёқилғи тақчиллиги борасидаги муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, Мурожаатномада ҳар бир соҳада амалга ошириладиган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бу улкан марралар, эришилаётган ютуқлар, аввало, эл-юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга қаратилган.

**Абдуғани УМИРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ, ЯНГИ КЕЛАЖАГИ СИЗНИКИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ!

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси давлат ва жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари ва маҳаллаларда чуқур ўрганилиб, ундан келиб чиқадиган вазифалар биргаликда белгилаб олинмоқда.*

*Мурожаатнома жуда конструктив, дастуриламал ҳужжат бўлди, десак, муболаға бўлмайди, чунки у нафақат парламент аъзолари, балки бутун халққа йўлланди.*

## Муносабат

Аҳамиятли жиҳати, Мурожаатномада бугун жамиятдаги мавжуд ижтимоий муаммолар ҳақида атрофлича фикр билдириш баробарида, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. 2021 йил мамлакатимизда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилингани ёшларимизга берилаётган юксак ишонч белгисидир. Бу эса аҳоли, айниқса, ёшларнинг турмуш тарзини, саломатлигини ошириш билан бир қаторда, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ривожланишга хизмат қилади.

Биринчи маротаба бюджет маблағлари ҳисобидан 900 нафар чин етимни уй-жой билан таъминлаш учун 30 миллиард сўм йўналтирилиши ҳамда 500 нафар етим болаларни уй-жой билан таъминлашга маҳаллий бюджетлардан маблағлар берилиши ва 100 та ёшлар марказлари, коворкинг марказлари, ёшлар меҳнат гузарлари ишга туширилиб, уларнинг жами сони 350 тага етказилиши режаси давлатимиз томонидан ижтимоий соҳанинг ёшлар ҳаётидаги муҳим ўринга олиб чиқилишидан дарак бермоқда.

Президентимиз Мурожаатномада “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак”лигини таъкидлаб, “Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим” лигига алоҳида урғу берди.

Шу ўринда ёшларимиз катта марраларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва уларга ҳар томонлама кўмак бериш — барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши, шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланиши муқаррар эканини яна бир бор таъкидлаш лозим. Айниқса, “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиши бу борадаги ишларимизни янги босқичга кўтариши, шубҳасиз.

Бунинг учун, аввало, ёш авлодга боғча, мактаб ва олий таълим муассасаларида сифатли билим ва тарбия беришни йўлга қўйиш, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этиш талаб этилади.

Иккинчидан, ёшларни замонавий билим ва тажриба, миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида мустақил ва мантиқий фикрлайдиган, эзгу фазилатлар эгаси бўлган инсонлар этиб вояга етказиш лозим. Бунинг учун ўғил-қизларимизни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган замонавий касб-ҳунарларга ўргатиш, уларда тадбиркорлик кўникмалари ва меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш ҳамда ташаббусларини рўёбга чиқариш, иш ва уй-жой билан таъминлашга устувор аҳамият қаратиш каби вазифалар белгиланди.

Шу кунгача мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бериш борасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача парламент томонидан ёшларга оид 40 дан зиёд қонун ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, 30 дан ортиқ халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ратификация қилингани, келгуси йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида Ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Бутунжаҳон ёшлар анжумани ўтказилиши юртимиз ёшларининг ҳуқуқлари қонун ҳужжатлари билан ҳимояланганининг амалий ифодаси, десак, муболаға бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, Олий Мажлис Сенати аъзолари билан жойларда бевосита ёшлар билан ўтказилаётган мулоқот ва учрашувлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йилида иқтидорли ўғил-қизларни рағбатлантириш, ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур ижтимоий хизматлар тизимини яратиш, ёш оилаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, вояга етмаганлар, шунингдек, ёшлар қатламининг айрим тоифалари (ногиронлиги бўлганлар, уй бекалари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ўқувчилар, талабалар, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар)ни ижтимоий муҳофаза қилиш ва саломатликларини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилади.

Буюк келажак сари дадил одимлаётган жамиятдаги ислоҳотлар ва янгиланишлар юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ғайратли, фаол аҳоли қатламига таянади. Туб янгиланишлар жараёнини бошидан кечираётган мамлакатимизда ана шундай маънавий, ижтимоий воқелик қадриятга айланганини ва Ўзбекистон ёшларига берилаётган имкониятларни дунё ҳамжамияти кўриб, кузатиб, юқори баҳоламоқда.

Республикамизнинг миллионлаб ёшлари доимо юксак марралар сари дадил қадам ташлайверсин. Юртимиз равнақи, янги келажаги сизники — Ўзбекистон ёшлари!

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

# ҚИРҚ ЙИЛ ТАН ОЛИНМАГАН НАВ



## ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ ҚАШҚАДАРЁГА ТАШРИФИДАН СЎНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР ҚАТОРИГА КИРИТИЛДИ

1

“Трактор ғўза шохини синдирган бўлса, очилгандир-да”, деб хаёл қилдим. Лекин уйга борганимдан сўнг уйқум келмади. Бир ҳафта ўша бир туп ғўза ҳақида ўйладим. Охири шу бир туп ғўзани излаб Шаҳрисабз туманига йўл олдим. Ҳудуд агрономи билан тушгача қидириб, ўша ғўзани топдик. Қарасам, бус-бутун ғўза, аммо эрта очилган. Очилган кўсакдаги пахтани териб олиб, ҳовлимда экдим. Кейин кенгроқ майдонда кўпайтирдим. Ғўза эртапишарлиги билан деҳқонларни ҳайрон қолдирди. Сувга чанқоқ эмаслиги, чаноғининг беш панжалиги ва энг муҳими, бошқа навларга нисбатан 10 кун олдин очилиши билан аҳамиятли эди.

Аммо қилинган меҳнат ва барча саъй-ҳаракатлар самарасиз кетди. Бўлмаса, ғўза нави кенг майдонларда экилиб, ҳар гектаридан 50-52 центнергача ҳосил берганини, энг асосийси, пахта октябрь ойининг охиригача саранжомлаб олинганини ҳамма биларди. Ҳатто катта-кичик раҳбарлар ҳам бу навни кўпайтириш пахтачилигимиз учун муҳим янгилик бўлишини бот-бот такрорлашарди. “Шаҳрисабз-1” нави экилган майдонларда ҳосил териб олингач, чигитини келгуси йил экишга йўл қўйилмаган. Чигит ёғ ишлаб чиқариш заводига юборилган. “Бу навдаги чигитни уруғликка қабул қилиш мумкин эмас, пахтачилик илмий кенгаши томонидан истиқболли нав сифатида тасдиқдан ўтмаган”, деб тақиқ қўйилган.

> Аммо қилинган меҳнат ва барча саъй-ҳаракатлар самарасиз кетди. Бўлмаса, ғўза нави кенг майдонларда экилиб, ҳар гектаридан 50-52 центнергача ҳосил берганини, энг асосийси, пахта октябрь ойининг охиригача саранжомлаб олинганини ҳамма биларди. Ҳатто, катта-кичик раҳбарлар ҳам бу навни кўпайтириш пахтачилигимиз учун муҳим янгилик бўлишини бот-бот такрорлашарди.

1990-йилларда Ғузор, Яккабоғ, Касби ва Қарши туманларида шу навли пахтани экиб, анчагина ҳосилни эрта йиғиб-териб олдик, аммо нав деҳқонлар синовидан муваффақиятли ўтганлиги эътиборга олинмади. Терилган пахтанинг чигити йўқ қилинди. Сал қолди, нав барбод бўлишига. Излаб-излаб, 2-3 килограмм чигит топдим ва яна тажриба майдонига экдим. Шу тариқа нав йўқолиб кетишининг олди олинди.

“Хўш, нега ўша пайтлар деҳқону олимлар томонидан эртапишарлиги, серҳосиллиги эътироф этилган бу навни илмий кенгаш расман тан олмаган?” — сўраймиз суҳбатдошимиздан.

“Ўша даврдаги тизим бошқача эди, — дейди отахон. — Қачонлардир ёруғ кунлар келади, деб ишонардим. Ҳозирги кунда “Шаҳрисабз-1” навли 5 тонна пахта бор. Шуни кенг майдонларда экиб, кўпайтирсак, пахтачилигимиз учун жуда катта янгилик бўларди”.

Отахоннинг куюнчаклиги мени қойил қолдирди. Ёши улуғ бўлишига қарамасдан ўзи бошлаган савобли ишнинг хайрли якун топишидан умидвор.

Шу йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ўтказилган йиғилишда қирқ йилдан бери тан олинмаган “Шаҳрисабз-1” ғўза нави ҳақида ҳам фикр билдирилди. Бу фикрни Январ Иноятов давлатимиз раҳбарига илмий асослаб берди. Навнинг яратилиш тарихи, хусусиятлари ва қирқ йилдан буён тан олинмасдан, эътироф этилмасдан келаётгани ҳақида батафсил сўзлади. Давлатимиз раҳбари Бош вазир ўринбосари Ш. Ғаниевга, қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш. Тешаевга, инновацион ривожланиш вазири И. Абдураҳмоновга ва Қашқадарё вилояти ҳокими З. Мирзаевга “Шаҳрисабз-1” ғўза навини белгиланган тартибда истиқболли навлар рўйхатига киритиш бўйича хулоса бериш вазифаси юклатилди.

Президентимизнинг бу эътиборидан Январ Иноятовнинг кўзларида қувонч порлади. Ҳақиқат эгилиши, букилиши мумкин, лекин синмайди, деб кўп такрорларди умр йўлларида. Бу ҳаётий фалсафанинг барҳаётлигига ўша кун яна бир карра амин бўлди.

Ислоҳот ҳавойи сўзлар, баландпарвоз маърузалар орқали эмас, балки амалий ишлар, чуқур ўрганилган илмий тадқиқотлар, кашфиётлар замирида ҳаётга татбиқ этилишини бугун даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Қашқадарёда бундан қирқ йиллар олдин яратилиб, шунча вақтдан буён тан олинмай келинган “Шаҳрисабз-1” навининг эътиборга тушиши ҳам бугун шиддат билан ҳаётимизга кириб бораётган ислоҳотларнинг узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланаётганидан, янгиланиш даври келганидан далолат бериб турибди.

...Мақола якунига етай деганда, хушхабар олдик. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Маркази эксперт комиссиясининг хулосасига кўра, “Шаҳрисабз-1” нави 2021 йилдан Қашқадарё вилояти учун истиқболли навлар қаторига киритилди.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Молия муассасаларида

*Ўтган бир йил давомида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинаркан, ушбу жараёнда қандай ишлар амалга оширилди, келгусида нималарга эътибор қаратиш керак каби саволлар атрофида фаолият таҳлил этилади.*

# ИШБИЛАРМОН ОДАМЛАР ТАШАББУСЛАРИ ДОИМ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ҳам 2020 йилда амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режалар хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, 2020 йил давомида банк томонидан барча йўналишларда тадбиркорлик субъектларига 4,1 триллион сўм миқдорида кредит ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 2,4 триллион сўмга ёки 241,0 фоизга ошди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари давомида белгиланган умумий қиймати 4,6 триллион сўмлик жами 1 минг 479 та лойиҳага 1 135,1 миллиард сўм кредитлар ажратилиб, 1 минг 186 та лойиҳа ишга туширилди. Натижада 10 минг 286 кишининг бандлиги таъминланди.

Кредитлаш фаолиятини соддалаштириш, кредитлар ажратиш тезкорлигини ошириш мақсадида ҳужжатларни кўриб чиқиш жараёни қисқартирилди. Тадбиркорлик субъектларига мўлжалланган 7 та модулли кредитлар (“Яшил йўлак”, “Имконият”, “Инвест”, “Аёл тадбиркор”, “Фермер”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ҳунарманд”) ишлаб чиқилди ва тест режимида Амалиёт бошқармасида ишга туширилди.

Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш департаменти томонидан 214 та лойиҳага 1 264,0 миллиард сўм эквивалентида кредит ажратилган. Фуқароларнинг банк кредитларидан фойдаланишини соддалаштириш ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш орқали уларнинг турмуш даражасини ошириш мақсадида бир қанча янги кредит маҳсулотлари, хизматлар жорий этилди. Йил давомида 141 минг нафар жисмоний шахсга жами 1 триллион 670 миллиард сўм кредитлар ажратилгани шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир.

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича жисмоний шахсларга 723,0 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига 38 минг 544 нафар фуқаро ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди. Булар қаторида ҳудудларда банкка бириктирилган маҳаллалардаги кам таъминланган аҳоли, яъни “темир дафтар”га киритилган кредитга эҳтиёжи бор жами 6 минг 600 нафар фуқарога 67,2 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит тақдим этилди.

Амалга оширилган ишлар натижасида жисмоний шахсларга ажратилган кредитларнинг портфелдаги қолдиғи 2020 йил 25 декабрь ҳолатига 228 минг 144 нафар мижозда 2 триллион 362 миллиард сўмни ташкил этиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 916,0 миллиард сўмга ёки 39 минг нафар мижозга ошган.

Банкнинг “МКВ Mobile” мобиль иловаси орқали мижоз ўз мобиль телефони орқали 1 ойдан 3 ой муддатгача фойдаланишни назарда тутувчи онлайн-микроқарз жорий қилиниши натижасида 2020 йил 25 декабрь ҳолатига 63,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 46,0 миллиард сўмга ошган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 20 августдаги “Хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида хорижда ишлаш учун фуқароларга микроқарзлар ажратилиши бошланди ҳамда 166 нафар шундай фуқарога 332,0 миллион сўм микроқарзлар ажратилди.

2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори асосида эса аҳолига (жисмоний шахсларга) кредитнинг тўлов мажбуриятларини юмшатиш ва енгиллаштириш мақсадида жами 173 минг 786 нафар қарз олувчининг 377,3 миллиард сўмлик график қарздорликлари 6 ой муддатгача узайтирилди.

Кредитлар ажратишнинг янги “Андеррайтинг” тизими ишга туширилди. Бунинг афзаллиги шундаки, кредит ажратилиши 5 босқичдан 2 га, ҳужжатлар сони 15 тадан 3 тага, кредитни кўриб чиқиш муддати эса 10 кундан 1 кунга қисқартирилди. “МКВ-Mobile” иловаси орқали ҳеч қандай ҳужжатларсиз банкка келмасдан электрон тарзда онлайн-истеъмол кредити олиш жорий қилинди.

“Микрокредитбанк”ни халқаро андозаларга мувофиқ иш юритувчи замонавий тижорат банкига трансформация қилиш мақсадида халқаро аудиторлик ва консалтинг компаниялари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айни пайтда АҚШнинг “ACCION” компанияси билан банкнинг 2025 йилгача мўлжалланган стратегиясини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилмоқда.

Банк фаолиятини трансформация қилиш жараёнларини тезлаштириш ҳамда сифатли олиб бориш мақсадида ахборот технологиялари, риск менежмент, операцион жараёнлар, чакана бизнес бўйича хорижлик мутахассислар бевосита банкка ишга жалб қилинди.

Банкда корпоратив ва бизнес жараёнларни бошқариш имконини берувчи корпоратив портал — “Битрикс 24” дастури ишга туширилди. Ушбу дастур BPM — бизнес жараёнларни бошқариш, CRM — мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш имкониятини беради.

Жорий йилда қилинажак ишлар ҳам талайгина. Хусусан, 2021 йилда амалга ошириладиган трансформация лойиҳалари дастури тасдиқланган бўлиб, унда чакана хизматларни ривожлантириш, интерактив хизмат кўрсатиш янги тизимларини жорий қилиш, юридик ва жисмоний шахслар, жумладан, меҳнат мигрантлари учун сотувлар сайтларини ишлаб чиқиш каби вазифалар белгиланган. Ўз навбатида, буларнинг барчаси банк жамоаси зиммасига катта масъулият юклайди, албатта.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

# ТАДБИРКОРГА **ҚУРУҚ ГАП КЕРАК ЭМАС**

*Қувасой шаҳрида аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Аммо бугунги тезкор давр, замон шиддати кенг қамровли ишлар кўламини замонавий мезонлар асосида янада ривожлантиришни тақозо этмоқда.*

## Таассуф

Яқинда саноатчилар шаҳридаги ислоҳотлар билан танишган Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Хайрулло Бозоров сектор раҳбарлари, барча бўғиндаги мутасадди идоралар масъуллари бу жараёнда дахлдорлик ва жавобгарлик туйғусини ошириши зарурлигини таъкидлади. Бу бежиз эмас. Чунки...

“Пакана” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида ташкил этилаётган кичик саноат зонасида истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун ташаббускор тадбиркорларга имтиёзли равишда ер майдонлари ажратиб бериш режалаштирилган. Аммо вазифалар ижросини қониқарли, деб бўлмайди. Вилоят ҳокими сусткашликка йўл қўяётган вилоят ва шаҳар ҳокимлиги масъуллари фаолиятини кескин танқид қилиб, барча шароитларга эга ушбу кичик саноат зонасига нафақат Қувасой, балки Фарғона шаҳридан ҳам тадбиркорларни жалб этиш бўйича топшириқлар берди.

— Тадбиркорлар нима учун ушбу кичик саноат зонасига келмаяпти? Чунки у масъулларнинг қуруқ гапларига ишонмайди, уларга аниқ тизим асосида ташкил этиладиган амалий ишлар керак, — деди Хайрулло Бозоров. — Нега шу кунга қадар ташаббускор тадбиркорларга белгиланган тартибда ер ажратиб берилмади?..

Юзма-юз мулоқотда шу ерда иш бошлаш ниятидаги тадбиркорларга лойиҳасидан келиб чиқиб, тез кунларда ер ажратиб бериш масаласи вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Мирзоҳид Убайдуллаев бошчилигида ҳал этилиши белгиланди.

“Қувасой” кичик саноат зонаси 11,8 гектар майдонда ташкил этилган бўлиб, бугунги кунгача бу ерда 12 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 1 022 та янги иш ўрни яратилди. Кичик саноат зонасида хорижлик инвесторлар ҳам ўз фаолиятини йўлга қўйган бўлиб, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар туфайли баъзи тадбиркорлар ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда.

Боз устига, ушбу йўналишда ҳали амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар ҳам кўплиги маълум бўлди. Яъни ушбу ҳудудда йиллар давомида фойдаланилмай, нураб ётган кўчмас мулклар мавжуд. Улардан самарали фойдаланиб, қўшимча яна минглаб иш ўринлари яратиш мумкин эди. Афсуски, шаҳар ҳокимлиги ва бошқа мутасадди идоралар раҳбарлари “Қувасой” кичик саноат зонасига тадбиркорларни жалб этиш борасида йиллар давомида сусткашликка йўл қўйиб келган.

**Ботир МАДИЁРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ, САРАЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ



*Мегаполис шаҳар ҳисобланган пойтахтимизда кейинги йилларда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётир, иқтисодиёт тармоқлари сони ортиб, улар юқори суръатларда ривожланяпти. Албатта, доимий ҳаракатдаги ушбу шаҳарда маиший ҳамда қурилиш чиқиндиларини тўплаш, олиб чиқиш ва қайта ишлашга эҳтиёж ҳам катта.*

*Шундай экан, Тошкент шаҳрида чиқиндиларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш, ушбу йўналишда бошқарувнинг бутунлай янги тизимини яратишнинг вақти келди, назаримизда.*

*Давлатимиз раҳбари навбатдаги муҳим ҳужжат — “Тошкент шаҳрида маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва мақсадига ўтишдан олдин, дунё миқёсидаги айрим маълумотларни келтириб ўтиш ўринли, албатта.*

## Долзарб мавзу

> *Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, дунё бўйича ҳар йили* ***2 МИЛЛИАРД ТОННА****дан кўпроқ маиший чиқинди ҳосил бўлади. Бу кўрсаткич 2050 йилга бориб* ***3,4 МИЛЛИАРД ТОННА****гача ўсиши мумкин.*

Бу рақамни биргина Тошкент шаҳри мисолида оладиган бўлсак, пойтахтда кунига 2000 тонна, йилига эса 700 000 тонна маиший чиқинди ҳосил бўлади. Энди савол туғилади: бу чиқиндилар қаерга кетяпти, ташлаб юборилияптими ёки самарали фойдаланишга йўналтириляптими?

Қабул қилинган Президент қарори моҳиятан мана шундай саволларга жавоб топиш, энг муҳими, соҳага оид ишларни янада такомиллаштириш, хизматлар сифатини ошириш, маиший ва қурилиш чиқиндиларини қайта ишлашда юқори технологияларга асосланадиган ишлаб чиқаришларни жорий этишни кўзда тутади. Қулай инвестицион муҳитни яратиш орқали ушбу соҳага тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш ҳам ҳужжатнинг мақсад-муддаоларидан, десак, адашмаймиз.

Айтиш жоизки, ҳужжат билан, аввало, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни бошқариш механизмлари бутунлай янгича тизимга ўтказилади. Хусусан, “Чиқиндиларни қайта юклаш ва утилизация қилиш” ДК “Махсустранс” ДУКга қўшилиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги тизимига ўтказилади. Келгусида маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни “Махсустранс” ДУК иштирокида давлат-хусусий шериклик асосида амалга ошириш йўлга қўйилади.

**Яна бир муҳим жиҳат, қарор билан 2020-2021 йилларда Тошкент шаҳрида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида эришилиши таъминланадиган мақсадли индикаторлар тасдиқланди. Унга кўра, қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини амалдаги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш, соҳада хусусий сектор улушини 100 фоизга етказиш, дебитор қарздорликни 75 фоизга камайтириш кўзда тутилган.**

Ўзбекистон Республикасида қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш стратегиясига мувофиқ, келгусида юртимиз шаҳарларининг кўп квартирали тураржой секторларида қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаб йиғиш тизими жорий этилади. Шундан келиб чиқиб, биргина келгуси йил 1 мартдан эътиборан маиший чиқиндиларни саралаш йиғиш тизимини белгиланган тартибда уч босқичда жорий этиш ишлари бошланади. Шу асосда 2021 — 2023 йиллар давомида ҳудудларда чиқиндилар “қайта ишланадиган”, “қайта ишланмайдиган”, “органик”, “хавфли маиший чиқиндилар” ва бошқа тоифаларга ажратилган ҳолда йиғиш йўлга қўйилади.




Бунда белгиланган ҳудудларда рангли махсус чиқинди қутилар ёки қайта ишланадиган пакетлар Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва “Махсустранс” ДУК томонидан бепул таъминланади. Чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш тарифлари эса пасайтирилган ҳолда белгиланади.

Айтиш керакки, Осиё тараққиёт банки иштирокида Тошкент шаҳрида қаттиқ чиқиндиларни бошқариш лойиҳаси амалга ошириляпти. Лойиҳа қиймати 92,2 миллион АҚШ долларига тенг. Қарор билан ушбу лойиҳани амалга ошириш муддати 2022 йилга қадар узайтирилиб, уни жадаллаштириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди.

### *Мазкур қарор моҳияти хусусида тегишли соҳа мутасаддилари, кенг жамоатчилик вакиллари нима дейди?*

**Даврон ҲИДОЯТОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари:**

— Пойтахтимизда ҳам бошқа йирик шаҳарлар каби айрим муаммолар мавжуд. Шулардан бири, бу — маиший чиқиндиларни вақтида олиб чиқиб кетиш ва қайта ишлаш масаласи. Айни пайтда Тошкент шаҳрида чиқиндилар 11 фоизгача қайта ишланяпти. Тан олиш керак, бугунги кунгача чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш, логистика ва уларни йиғиб олиш бўйича ҳам тизимли иш йўлга қўйилмаган. Шаҳарда 2 минг тонна маиший ва 500 тоннага яқин қурилиш чиқиндилари ҳосил бўляпти. Бугун асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар, яъни чиқиндиларни ўз вақтида йиғиб олиш, унинг логистикасини таъминлаш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Президент қарорида мана шу масалаларнинг барчаси тизимли равишда белгилаб берилди. Яъни 2021 — 2023 йилларда мазкур йўналишда қандай ишларни амалга оширишимиз кераклиги аниқ кўрсатиб ўтилди. Бу соҳадаги муаммоларни бартараф қилиш ва янгича иш тутумини белгилаб олишда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир жиҳат, аҳолининг чиқиндиларни махсус ажратилган қутиларга ташлаш маданияти билан боғлиқ. Эндиликда пастга тушиб, маҳаллаларда бу борада тарғибот ишларини ҳам жиддий йўлга қўйишимиз лозим. Шунда ишда самара бўлади.

**Шерзод КАТТАХЎЖАЕВ,**
**“Махсустранс” ДУК директори ўринбосари:**

— Иккита тумандаги “Махсустранс” ДУКга қарашли гараж станцияларини, шунингдек, чиқиндиларни қайта ишлаш станцияларини реконструкция қилиш, қайта таъмирлаш кўзда тутилган. Бу йўналишга зарур маблағлар ажратилган.

Шу билан бирга, янги полигон қурилиши учун Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Оҳангарон туманидан 30 гектар ер майдони ажратилган. Ушбу майдонда санитария қоидаларига жавоб бера оладиган полигон қуриш, шунингдек, у ерда замонавий лабораториялар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Ўз навбатида, эски полигоннинг 58 гектар ҳудуди эса, атроф-муҳитга зарари тегмайдиган даражада консервация қилиниб, янги ускуналар ўрнатилади.

**Жамшид ИШЧАНОВ,**
**Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари:**

— Ҳужжатда соҳада эришилиши лозим бўлган асосий индикаторлар белгилаб берилди. Бунинг учун Тошкент шаҳрида давлат-хусусий шериклик асосида хусусий шерикларнинг инвестициялари жалб қилинади.

Хусусий шериклар томонидан ушбу соҳага 10 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилади. Бунинг эвазига пойтахтимизда ҳосил бўлаётган қаттиқ маиший чиқиндиларни саралаш ва қайта ишлаш учун 2 та замонавий ускуна ўрнатилади.

Умуман олганда, ҳужжат пойтахтимизда маиший ва қурилиш чиқиндиларини тўплаш, олиб чиқиш, саралаш ва қайта ишлаш соҳасига янгича ёндашувларни татбиқ этиши, хусусий секторни кенг жалб қилиш ва хизмат сифатини оширишга қаратилгани билан ҳам ғоят муҳим.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ЗАРУРАТИ

◄1 Мураккаброқ муҳандислик — техник тафаккурни, амалий ечимни талаб қиладиган ишлаб чиқариш воситалари, қурилмалари устида изланиш олиб борилмади, бундай қурилмалар ва уларни ишлатадиган корхоналар, мутахассислар вужудга келмади. Анъанавий меҳнат қуролларидан фойдаланадиган деҳқончилик, ҳунармандчилик ўз ички имкониялари деярли тўлиқ юзага чиқариб бўлганди. Янги ишлаб чиқариш воситаларисиз янги имкониятлар вужудга келмасди. Иқтисодий турғунлик илмий техникавий изланишларга ижтимоий буюртма яратмади. Бу аста-секин янги табиий-илмий, математик ва муҳандислик илмларига эҳтиёжлар пасайиб кетишга олиб келди.

***Иккинчидан,*** сиёсий беқарорлик, тож-тахт учун турли гуруҳлар, сулолалар ўртасидаги курашлар ҳам тараққиётнинг сўнишига олиб келди. Ички низолар, сарой фитналари, ички ва ташқи урушлар мамлакат хазинасини ҳам, одамлар тинкасини ҳам қуритди. Олимлар, тадқиқотчилар, амалий кашфиётчи муҳандислар ҳар томонга, ижтимоий-сиёсий барқарорлик мавжуд, ҳар ҳолда хавфсиз жойларга кетишга мажбур бўлди.

***Учинчидан,*** илм-фан ишлаб чиқариш амалиёти ва талаблари билан боғланмай қолди. Бундан фақат меъморчилик ва қурилиш қисман истисно.

***Тўртинчидан,*** XI аср охирларида ижтиҳод эшиклари ёпилди. Бу ҳуқуқий ва ижтимоий масалаларда, ислом ақидаларини талқин қилишда, мадрасаларда ислом илмини ўқитишда баҳс-мунозараларга, ижодий ёндашувларга, изланишларга, тафаккур эркинлигига аста-секин чек қўйди. Догматизм ҳукмронлигига олиб келди. Баҳс-мунозаралар ва ижодий изланишлар чекланиши, диний догматизм кучайиши табиатшунослик, фалсафа ва мантиқ илмини ривожлантирмай қўйди. Мазкур илмлар диний тафаккурнинг ҳам эркин ва ижодий бўлишига ижобий таъсир кўрсатар эди. Диний мутаассиблик кучайиб борди. Ҳатто айрим мутаассиб доираларда илм деганда, фақат шаръий илмлар назарда тутилган, деган қарашлар пайдо бўлди.

1220 йилларда мўғул истилоси бошланди. Маънавий-маданий ҳаёт, деҳқончилик, ҳунармандчилик, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар чуқур инқирозга учради. Кўплаб илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият вакиллари ижоди тўхтаб қолди, баъзилари ҳалок бўлди ёки қатл этилди, кўпчилиги асир тушиб, қулга айлантирилди ва мамлакатдан олиб кетилди. Баъзилари эса Эрон, Ҳиндистон ва бошқа юртларга кетиб қолдилар. Мўғул истилосининг биринчи Ренессанс ривожига салбий таъсири фақат ушбулар билангина чегараланиб қолмайди. Халқ келажакка бир муддат ишончини йўқотди. Унинг онгига, тафаккурига мистик ва иррационал қарашларнинг таъсири кучайди. Чунки содир бўлган воқеаларни, маданиятсиз мажусийларнинг дағал кучи олдидаги ожизликни, чорасизликни оқилона тушунтириш мумкин эмас эди. Ислом дунёқарашининг ички зиддиятлари, ижодий эркинликнинг тобора чекланиши, диний мутаассибликнинг кучайиши XI аср охирлари – XII аср бошларидан кўзга ташланмоқда эди. XII аср мобайнида бу нохуш тенденция зимдан ўсиб борди. Лекин мўғул истилоси ислом рационализми ва Ренессанс инқирозига сабаб бўлган энг йирик ижтимоий-сиёсий омилдир.

Маънавият ва ижодкорлик ривожланиши учун тегишли ижтимоий-иқтисодий шарт-шароит, сиёсий барқарорлик ва эркинлик зарур. Талончилик, очарчилик, сиёсий зўравонлик ва қатағон шароитида на илм-фан, на адабиёт ва санъат, на ахлоқ ривожланади, на одамларда маънавий эҳтиёжлар юксалади. Одамлар кўпроқ жонини сақлаб қолиш, яшаб қолиш тўғрисида ўйлайдилар. Миллий тикланиш ва маънавий юксалиш учун мўғул истилосидан қутулиш, миллий озодликка эришиш талаб этиларди. Ижтимоий онг ва тафаккур эркинлиги учун ҳам шароит яратилиши лозим эди.

Диний мафкуранинг нисбатан либераллиги дунёвий фанлар ривожланишига маънавий-эътиқодий шарт-шароит яратса, дунёвий фанлар тараққиёти диний мафкура нисбатан илғор, либерал бўлишига илмий интеллектуал ва мантиқий асос ҳозирлайди. Дунёвий фанларга беписанд қаралса, диний мафкура зимдан аста-секин мутаассиблашиб кетаверади. Бизда айнан шундай ҳолат юз берди. Айтайлик, нега Берунийнинг аксарият асарлари йўқолиб кетди, айниқса, гелиоцентрик назариясига бағишлаган асари? Фараз қилиш мумкинки, мутаассиблик устунлик қила бошлагандан кейин улар диний тасаввурларга зид ҳисобланиб, қайта кўчирилмаган, уларга эҳтиёж қайта туғилмаган. Ғазнавийлар кутубхонасида сақланганлари, кутубхона билан бирга ёнғинда ёниб кетган бўлиши эҳтимол.

Ибн Синога ҳаётлик пайтларидаёқ диний мутаассиблар томонидан ширклик айблари қўйилган. Бунга жавобан Ибн Сино рубоий ёзган. Рубоийда буюк аллома агар мен ҳам кофир бўлсам, дунёда мусулмоннинг ўзи йўқ, деган фикрни билдиради. XI аср иккинчи ярмида Умар Ҳайём каби даҳолар ижоди гуркураган, Тусдаги расадхона фаолияти сусаймаган эди. Аммо дунёвий илм-фанга нисбатан инкор этиш кайфияти ҳам кундан-кун кучайиб бораётганди. Мутаассиблик шунчалик хавф туғдира бошладики, шаръий фанлардан бошқа фанлар мутлақо керак эмас, деган қарашларга ҳатто Ғаззолий ҳам қарши чиқишга мажбур бўлади. У ҳисоб илмини (арифметика), ҳандаса (геометрия ва механика), илми нужум (астрономия)ни қолдириш керак, дейди ва бошқа фанлардан воз кечиш мумкинлигини тан олади. Бу уч фанни ҳам у ислом талабларига риоя этиш зарурлигидан келиб чиқиб ҳимоя қилади: ҳисоб илмини билмасак, бозорда савдо-сотиқ қилишда адашиб, бировнинг ҳақини ўзлаштириб қўйишимиз мумкин; ҳандасани билмасак, қурадиган масжид ва мадрасаларимиз эгри, томонлари номутаносиб чиқиб, ағанаб кетиши мумкин; илми нужумдан воз кечсак, қиблани тўғри аниқлай олмаймиз, масжидлардаги меҳробларни ўрнатишда хато қиламиз, карвонларимиз ва ҳожиларимиз ҳам йўлдан адашади, деган.

Натижада XII асрдан дунёвий илм-фанларга нисбатан ижтимоий онгда муносабат чизиғи юқоридан қуйи томон бурилди. Тўғри, бирданига дунёвий илм-фан тўхтаб қолган эмас. XII асрда ҳам анча-мунча тадқиқотлар амалга оширилди. IX — XI асрларда бу борада жуда қудратли салоҳият ҳосил қилинган эди. Унинг инерция кучи XII — XIII асрларда ҳам ўзини кўрсатиб турди. Дунёга машҳур олимлар ижод қилди. Аммо Беруний ва Ибн Синодек, Ал-Хоразмий ва Фарғонийдек оламшумул даҳоларни биз бу даврда учратмаймиз. XII асрда кўпроқ гуманитар ва диний фанларда Нажмиддин Насафийдек қатор атоқли алломаларни кўрамиз. Дунёвий фанларда буюк салафлар кашфиётларининг диний қарашларга зид бўлмаганларигина давом эттирилди. Аксарият ҳолларда салафлар фикри фақат такрорланди, ривожлантирилмади. Булар юқори суръатларда шаклланаётган анъанавий жамият белгилари эди.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишга бел боғлаган эканмиз, тарихнинг бу аччиқ сабоқларидан тўғри хулоса чиқаришимиз керак. Биринчи навбатда, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш бўйича муттасил тадқиқотлар олиб борилиши, янги замонавий касбларни ва касбий билимларни халқимиз чуқур ўзлаштириши, яратувчилик салоҳиятини кучайтириб бориши лозим.

Диний догматизм ва мутаассибликнинг кучайиши, ижтиҳод эшиклари ёпилишидан бошланган тафаккур эркинлигининг чекланиши, дунёвий илм-фанларга беписандлик, баъзан очиқчасига душманлик биринчи Ренессанснинг депсиниб қолишига, мўғул истилоси эса унинг барҳам топишига олиб келди. Биринчи Ренессанс умумисломий ҳодиса эди. У Шарқда — Хитойдан Ғарбда — Испаниягача бўлган улкан ҳудудни қамраб олди. Испанияда у XII аср охиригача давом этди. Шу сабабдан биринчи Ренессанс даври чегараларини IX — XII асрлар деб белгилаш маъқул.

Мўғул истилосини бошдан кечирмаган Тунис, Марокаш, Испанияда биринчи ислом Ренессанси XIII аср бошларида якунланди. Унинг мафкуравий-маънавий сабаблари Ўрта Шарқникига ўхшаш. Сиёсий сабабларнинг ичкилари (айирмачилик, майда амирликларга бўлиниш, ўзаро низолар ва ҳоказо) ҳам деярли бир хил, аммо ташқилари бир оз фарқ қилади. Испанияда сақланиб қолган мустақил христиан давлатчалари аста-секин куч тўплаб, бирлашиб, бўлиниб қолган, ўзаро мухолиф араб амирликларига қарши курашиб, енга бошлади. Охири бу арабларнинг кейинги асрларда Испаниядан тўлиқ қувилиши билан тугади (Реконкиста жараёни).

Иккинчи Ренессанс даврида анъанавий жамият унсурлари ғоят кучайиб, ижтимоий ҳаётда аста-секин устунлик қила бошлади. Амир Темур юришлари даврида ижтимоий фаоллик, маданиятларнинг, халқларнинг ўзаро мулоқоти ва бир-биридан ўрганиши турғунликни юмшатиб, билдирмасдан турди, кўп жиҳатдан олдини ололди. Маданий-интеллектуал интеграцияга ўзига хос шарт-шароит яратди. Аммо унинг вафотидан кейин тож-тахт учун талашлар, сарой фитналари, тахтга даъвогарларининг униси ёки бунисини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳларнинг иғвогарона ҳаракати ва хиёнати туфайли мамлакатда ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий инқироз юз бера бошлади. Бу, ўз навбатида, илм-фан, маданият, ижтимоий фикр инқирозига сабаб бўлди. Фақат Мирзо Улуғбек даврида Самарқандда, Мовароуннаҳрда, Шоҳрух ва Ҳусайн Бойқаро даврида Ҳиротда, Хуросонда иккинчи Ренессанс яна давом этди. Тож-тахт талашлари қаторида диний мутаассиблик ва жамият ҳаётининг барча жабҳасида аста-секин анъаналар тўлиқ устунликка эришиб, ўзгаришларга тоқатсизлик кучайиб бориши иккинчи Ренессансни ҳам сўндирди.



Суратлар “Халқ сўзи” фотожамламасидан олинди.

Хулоса ўрнида айтганда, жамият моддий-иқтисодий асослари, ишлаб чиқариш технологиялари ривожланмагани, турғунлиги, капитал концентрацияси юз бермагани, Буюк Ипак йўли тўхтаб қолгани каби объектив омиллар қаторида ҳар иккала Ренессанснинг инқирозига яна қуйидаги субъектив омиллар сабаб бўлди:

***Биринчидан,*** тафаккур эркинлигининг чекланиши, ижтимоий фикрда турғунликнинг, догматизмнинг устунлик касб этиши.

***Иккинчидан,*** ижтимоий ва мафкуравий муносабатларда, таълим тизими ва маданиятда, ижодда анъанавийликнинг қарор топиши, янгиликлар, ўзгаришлар, ташаббуслар инкор қилиниши.

***Учинчидан,*** мумтоз ислом қарашлари догмалаштирилиши, хурофот ва бидъат кучайиб, диний муносабатларни деформацияга учратиши, маънавий ҳаётни, таълим-тарбияни, илм-фанни сиқиқ, тор қолипга тиқиб қўйиши. Табиатшунослик фанлари ва фалсафанинг диний мутаассиб ғоялар хизматкорига айлантирилиши ёки тақиқланиши.

***Тўртинчидан,*** мумтоз исломнинг бюрократлашуви, сўнгра инқирози бошланишида анча илғор демократик ва инсонпарварлик ғояларини олға сурган тасаввуф тариқатларининг ҳам салбий томон тадриж этиши. Пир ва муридлар ўртасидаги муносабатлар иқтисодий манфаатдорлик томон ўзгариб, назр-ниёз йиғиш устунлик қилиши.

Бу сабаблар пайдо бўлгандан кейин, бир неча аср давомида жамият ҳаётига емирувчи таъсир кўрсатиб келди. Мумтоз ислом ва илк тасаввуф бир вақтлар қўллаб-қувватлаган илғор илмий ва ижтимоий ғоялар, идеаллар ё унутилди, ё нотўғри талқин қилинди. Ижтимоий тараққиёт тўхтаб қолди. Оқибатда юртимизнинг катта қисмини XIX асрнинг 60-йилларида Чор Россияси босиб олди, юртимиз унинг мустамлакасига айланди.

> “Биз яна мутараққий халқлар қаторида ўзимизни кўрмоқчи бўлсак, тарихдан, жумладан, яқин ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришимиз, биринчи навбатда, онгимизни, тафаккуримизни догматизм ва қарамликдан халос қилишимиз лозим. Тафаккур эркинлиги барча соҳаларда индивидуал, жамоавий ва миллий эркинликнинг ақлий ва ҳиссий асосидир. Тафаккур эркинлиги учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг зарур шартидир.”

## Мустамлакачилик даври сабоқлари

Мустамлакачилар халқимизни тарихий хотирасидан, маънавий илдизларидан жудо қилишга уриндилар. Кўплаб ноёб осориатиқалар, қўлёзмалар, маданий бойликлар мамлакатдан олиб кетилди. Кўплаб архитектура ёдгорликлари, масжидлар ва мадрасалар турли баҳоналар билан бузиб ташланди. Россиясиз ҳеч нарсага эриша олмаслигимиз аҳоли онгига сингдирила бошланди. Халқимизда ижтимоий қўрқув ва миллий номукаммаллик комплексини шакллантиришга зўр бериб ҳаракат қилинди. Буюк давлатчилик шовинизми ва мустамлакачиликка қарши ҳар қандай норозилик шафқатсизларча бостирилди.

Совет даврида Чор Россияси миллий сиёсати ташқи жиҳатдан кескин ўзгартирилган бўлса-да, моҳиятан амалда давом эттирилди. Тўғри, халқ ёппасига саводхон бўлди. Минглаб мактаблар, кутубхоналар, маданият уйлари очилди. Олий ва ўрта махсус таълим ривожланди. Илмий муассасалар, театрлар, газета ва журналлар сони кескин ўсди. Аммо байналминалчилик ниқоби остида руслаштириш сиёсати олиб борилди. Миллатнинг ҳурфикр, илғор ижодкор зиёлилари қатағон қилинди. Имло икки марта алмаштирилди. Бу халқни маданий меросидан, унда акс этган ва сақланган тарихий хотирасидан маҳрум қилишга қаратилган эди. Коммунистик идеология халқни миллий қадриятлардан узоқлаштиришга, инсон онгини коммунистик партиявийлик, синфийлик, атеизм андозасига солишга, тафаккур эркинлигини, ижодий ташаббусни чеклашга интилди. Катта авлод онгида ҳалигача ташаббус кўрсатишдан ёки фикрини очиқ айтишдан ҳадиксираш бартараф этилгани йўқ.

Биз яна мутараққий халқлар қаторида ўзимизни кўрмоқчи бўлсак, тарихдан, жумладан, яқин ўтмишдан тўғри хулоса чиқаришимиз, биринчи навбатда, онгимизни, тафаккуримизни догматизм ва қарамликдан халос қилишимиз лозим.

Тафаккур эркинлиги барча соҳаларда индивидуал, жамоавий ва миллий эркинликнинг ақлий ва ҳиссий асосидир. Тафаккур эркинлиги учинчи Ренессанс пойдеворини яратишнинг зарур шартидир. Шу сабабдан янги Ўзбекистонда тафаккур эркинлиги, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ривожланиши устувор аҳамият касб этмоқда. Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ўсиши қаторида блогерлар фаолияти учун шарт-шароит яратилмоқда. Блогерлар турли йиғилишларга, конференцияларга, брифингларга таклиф қилинмоқда.

Ислом маърифатига эътибор кучайди. Айниқса, ислом ақидалари ва талабларини тўғри талқин қилиш, мумтоз ислом ва тасаввуф манбаларини ўрганиш ҳамда ўзбекчага ўгириш учун Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридий, Абу Муъин Насафий илмий марказлари ташкил этилди. Имом Бухорий илмий маркази халқаро мақомга эга. Ислом олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси қаторида Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда. Булар ҳам аввалги икки Ренессанс ва кейинги зиддиятли давр сабоқларининг ҳисобга олинишидир.

## Миллий юксалишга қандай эришилади?

Миллий ғоянинг 2000 йилги концепцияси одамларни, айниқса, ёшларни аниқ ва юксак марраларни кўзлашга, жамиятни ҳам, ўзини ҳам такомиллаштиришга етарлича рағбатлантира олмади. Одамларни турли жўшқин ҳаракатларда бирлаштирадиган, фидокорликка чорлайдиган, ғурурини уйғотадиган миллий-мафкуравий брендлар яратилмади. Ижтимоий онгда ғоявий-мафкуравий ноаниқлик унсурлари тобора кўпайиб борди. Ғоявий-мафкуравий ноаниқлик, айниқса, ёшлар онгига, уларнинг қадриятлар тизимига сезиларли салбий таъсир кўрсата бошлади. Баъзи ёшлар турли оқимлар таъсирига тушиб қолди. Реал оламдан узилиб, ўзининг яратиб олган виртуал маконида, иллюзиялар оламида яшаётган, компьютер ва замонавий электрон алоқа воситалари бандисига айланиб қолган ёшлар сони ортиб бораётир.

Компьютер технологияларининг ривожланиши болаларнинг билим ва ахборот олиш имкониятларини ошириши қаторида, уларнинг турли маълумотларни, масалалар ечимларини, китоб ўқиш, бадиий асарлар мазмуни ва шеърларни ёдда сақлаш кўникмаларини издан чиқармоқда. Қабул қиладиган қарорлари тўғри бўлиши учун болаларда масъулият пасайиб кетмоқда. Улар масалани ечишга эмас, тайёр жавоблардан тўғрисини топишга ўрганмоқдалар. Интеллектуал ҳаракатга, ақлий таҳлилга ва умумлаштиришга эҳтиёж камайиб бораётир. Булар ёш авлод онгига салбий таъсир кўрсатиб, жамиятда деинтеллектуаллашиш тенденциясини вужудга келтирмоқда.

Миллий ғоянинг янги концепциясида юқорида қайд этилган камчиликлар ҳисобга олиниши лозим. Миллий ғоя стратегик олий мақсадни ифодаласа-да, унинг концепцияси бу мақсадга босқичма-босқич борилишини аниқ ифодалаши керак.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш ғояси аҳолининг ҳар бир қатлами олдига келажак билан боғлиқ аниқ вазифалар ва мўлжаллар қўйиши лозим. Уй бекалари, буви ва боболар фарзандларини, набираларини ижобий мазмундаги ҳар нарсага қизиқувчан, фаол, изланувчан, ақлий ва жисмоний меҳнатдан қочмайдиган этиб тарбиялаш бурчини, ишчи-ходимлар, мутахассислар, олимлар, ўқитувчи ва шифокорлар — барча танлаган касблари доирасида ҳалол меҳнат орқали Ватан равнақига хизмат қилиш масъулиятини теран англашлари лозим.

Ватанпарварлик аслида ўз бурчи ва хизмат вазифасини ҳалол бажариш, ҳалол меҳнат қилишдир. Бошқа қатламлар ҳам ўзлари учун аниқ ижтимоий мўлжалларни билишлари ва уларга интилишлари зарур.

Тарих сабоқлари ва тараққиёт талабларидан келиб чиқиб давлат раҳбари таълим, илм-фан, инновациялар, эркин фикрловчи, рақобатбардош мутахассисларни тарбиялаш, янги технологияларни жорий қилиш, рақамли иқтисодиётга ўтиш масалаларига ижтимоий зарурат, биринчи даражали вазифа, деб қарамоқда. Акс ҳолда, Ўзбекистон мутараққий мамлакатлар қаторига кўтарила олмайди. Шу боис ушбу масалалар бўйича 2030 йилга мўлжалланган ривожланиш концепциялари ишлаб чиқилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ва лицейлар тармоғи барпо этилмоқда.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш жамиятни янада демократлаштиришни, фуқаролик институтлари фаолиятини ривожлантиришни, ҳар бир соҳада шаффофликни кучайтиришни ва аҳолини реал аҳволдан хабардор этиб, фаоллигини оширишни талаб қилади.

Ушбу йўналишда Президентнинг иккита қарори эътиборни жалб этади. Биринчиси, “Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”. Иккинчиси, шу кеча-кундуз қизғин муҳокама қилинаётган “Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ҳолатини аниқлашнинг самарали механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор лойиҳасидир. Ҳар иккала қарор автоматлаштирилган онлайн ахборот тизими орқали ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда адолат тамойили қай даражада таъминланаётгани, муаммолар қандай ҳал қилинаётганини аниқлаб, жамоатчиликка етказиб боради.

Маълумотлар ва баҳолар нафақат холис кўрсаткичлар асосида, шунингдек, аҳоли ва мутахассис-экспертлар орасида социологик сўров ўтказиш орқали ҳам шакллантирилади. Йўл қўйилган камчиликлар, хатоларни тузатиб ёки ўзини оқламаган усулларни янги самарали усуллар билан алмаштириб бориш имкони туғилади. Бу эса узлуксиз ва тўғри ривожланиш учун жуда муҳим.

Юқорида келтирилган мисоллар учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш борасида ташланган дадил қадамлардир. Бу қадамлар собит давом этишини ҳаммамиз истаймиз.

---

**Янги рукн:**

**Мутлақ шахсий фикр**

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ўтган йили йўл ҳаракати қоидалари бузилгани акс этган видеоёзувларни қабул қилиш учун махсус сайтни ишга туширган, бундай видеоёзувлар жўнатган шахсга қоидабузардан ундирилган жарима ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида мукофот ваъда қилинган эди.*

# ҚОИДАБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДА ХАБАР БЕРИШ НОТЎҒРИМИ?

Видеоёзувларни қабул қилиш ҳамда уларни тақдим этган шахсларни рағбатлантириш тартиблари Ҳукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланганди. Бугунги кунда ҳайдовчилар ва аксар аҳоли зеҳниятида “Бировнинг айбини топиб пул ишлаш қусур” деган фикр илдиз отгани ачинарлидир.

Хусусан, андижонлик бир йигит жалақудуқлик беш киши тарафидан “йўл ҳаракати қоидаси бузилганлигини видеога тушириб ИИБга етказиб юрибди” деган гумон билан ушлаб сазойи қилинди, бунинг видеоси эса ижтимоий тармоқларда тарқалиб кетди.

“Қоидабузарликлар ҳақида маълумот бериш” дейилганда, деярли ҳамма ўзини ҳайдовчи ва потенциал қоида бузувчи ҳисоблаб, бундай қоидабузарликларни етказувчиларни “қулоқ”, “терпила” дейишгача бормоқда. Ваҳоланки, Ҳукумат қарори билан коррупцияга қарши қонунбузарликлар ҳақида ҳам хабар бериш ва хабар берувчиларни мукофотлаш тизими жорий этилди. Бироқ бу ҳақда биров миқ этмади, эътибор ҳам бермади. Эътибор берилса, қанақадир икки хил стандарт ишлаётгандай...

Куни кеча эндигина лавозимга ўтирган амалдор аёлнинг таътилни хорижда ўтказаётганини ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокама қилдик. Тўғри, бу ҳам — жамоатчилик назорати. Лекин нега қоидабузарликларга жамоатчилик назорати татбиқ қилинса, дод соламиз? Нима, жамоатчилик назорати фақат айримларни танлаб олиб танқид қилишми? Ёки демократия фақат бизга қулай ва ўзимизгагина ёқадиган тартиблармми?

**Биз фақат ўзимизга ёқадиган, манфаатимизга мос ва биздан ҳеч нимани ўзгартиришни талаб қилмайдиган нарсаларни адолат, деб ҳисоблаяпмиз. Асли мана шу хулқимизнинг ўзи — адолатсизлик. Адолатсиз жамият адолатсиз амалдордан хавфлироқ аслида. Чунки амалдорларни жамият бир кун келиб ўзгартириши мумкин, аммо жамиятни ҳеч ким ўзгартиролмайди, ўзидан бошқа. Жамият ўзи адолатсиз бўлса, ўзининг адолат тўғрисидаги тушунчалари нотўғри бўлса, бу — даҳшат, бу — умид йўқ, дегани.**

Одамлар, сиз ўзингиз ўтирган шохни арралаяпсиз, ўзингиз ҳам бир кун келиб амалдор бўлиб қолсангиз, ёқмаган, ноқулай, ўзгаришни талаб қиладиган тартибларни бузишингиз мумкинлигини кўрсатяпсиз. Хўш, унда сизнинг ўша коррупционер, ўғри, нощуд амалдордан қаерингиз ортиқ?

Сиз бу ишингиз билан, ўзингиз талаб қилаётган адолат принципига кўра, қонунбузар “катта”ларнинг қўлига дастак беряпсиз, уларни хотиржам қиляпсиз (“буларга қаттиқроқ туриш керак”), эркин, уйғун, демократик жамият қуриш “бизгамас” деган “мессеж”ни йўллаяпсиз-ку!

“Аввал уни қилиб қўйсин, кейин...”, “аввал бундай шароит яратиб қўйсин, кейин...”

Жалақудуқда шунчаки бозорни суратга олаётган йигитни “самосуд” қилаётганлар ўзлари қоида бузмабдими? Умрида қизил чироқда ўтмабдими, узлуксиз чизиқни бузиб қайрилмабдими, тезликни оширмабдими? Нега унда “антирадар”нинг бозори чаққон бизда?!

Аввал ўзинг қоидага риоя қилиб юр, кейин бошқаларни “кўча поняткалари” билан “терпила” дегин, дейилса-чи? Ёқмайди-а?

**Сўнгсўз ўрнида:** Агар эҳтиросга берилмай айтадиган бўлсак, тўхтаб туриш жойлари жиддий муаммо, умуман, йўлларда муаммолар кўп, албатта. Ҳар доим тангaнинг икки томони бўлади. Лекин муаммони муҳокамага олиб чиқиш ва ҳал қилиш керак, уни айланиб ўтиб, кўз юмиб, бошқа жиддий қоидабузарликларни ҳам шу билан хаспўшлаш ярамайди.



Нега унда биров чиқиб, тўхтаб туриш жойлари бўйича қоидабузарликларни жазолашга вақтинча мораторий эълон қилиб бўлса ҳам, қоидабузарликлар ҳақида хабар беришни ривожлантириш керак демаяпти, масалан? Қўйинглар, “қулоқ”, “терпила” деган тушунчалардан воз кечайлик энди, жамият ва одамларни икки лагерга бўлишни бас қилайлик...

**Шаҳноза СОАТОВА.**

---

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазир ўринбосари Воҳиджон Аҳмаджоновга турмуш ўртоғи **ДИЛШОДАХОН** ва қизи **СИТОРАХОН**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 148. 30 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 00.10 1 2 3 4 5 6